

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИНИНГ  
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИГА  
ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ БЎЙИЧА  
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ ТЎҒРИСИДА**

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддаси ва “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р   Қ И Л А Д И:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича харажатлар сметаси тасдиқлансин ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига рўйхатдан ўтказиш учун юборилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишни молиялаштириш ва маблағлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ сайлов тадбирлари учун маблағлар ўз вақтида ажратилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

4. Ушбу қарор ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адиллов зиммасига юклансин.

**Марказий сайлов комиссияси  
Раиси**

**М. АБДУСАЛОМОВ**

*Тошкент шаҳри,  
2016 йил 15 сентябрь,  
№ 731.*